

Шамолдан ва қуёшдан сақловчи геопластика.

ДЗ-15 гуруҳи Магистранти Бахрамова Вилоят

Раҳбар: проф.Бородина М.Р

Республикаимиз, айниқса юртимизнинг жанубий ҳудудлари иқлими жазирама, кучли шамол таъсири мавжуд.Шундай иқлимли ҳудудларда ландшафт муҳотида инсонларга қулайликлар яратиш лозим.

Инсонларнинг сайр қилиши учун ландшафт муҳитини жуда ёқимли қилиш учун дунёнинг етакчи архитекторлари 5 та усулни таклиф этдилар.

Маълум бўлишича ландшафт фазовийлигидаги об-ҳавони ўзгартириш мумкин экан. Дунё микёсидаги етакчи архитекторлар Ўрта Осиё иқлимидаги ёғин-сочинли ёки жазирама кунларда аҳоли учун ҳар жихатдан қулай бўлишиучун бешта ғояни шакллантирдилар.

Ёпиқ кичик ҳовлилар

Қишда Ўрта Осиё мадрасаларининг ҳовлиси ичида, кўчага нисбатан анчагина иссиқ. Ёзда эса – салқин.Дунёнинг барча мадрасалари – ҳамма томондан ҳимояланган ички ҳовли-патиога эга бўлган. Бу замонавий шаҳарлардаги ҳовли- қудуқ эмас, балки кенг қуёш тушадиган майдондир.

Ёпиқ “мироиклимий” фазовийликни лойиҳалашда шамол йўналишини ва бундай фазовийликда қуёш ёруғлигини эътиборга олиш керак. Агар барчасини тўғри ҳисоблаб чиқилса, яъни фазовийлик иссиқдан ва шамолдан ёпиқ бўлади. Деворларда йиғилган қўшимча иссиқлик қуёшдантушаётган иссиқликга яқин даражасини беради.

Шамолдан сақловчи пилонлар (устунлар)

Очиқ фазовийликда шамолни тўсувчиларни ўрнатиш мумкин: шамолдан ҳимоя қилувчи,махсус устунлар – деворлар.

Бундай ҳимоя қилувчи восита Парижда ва Европанинг кўплаб бошқа шаҳарларида мавжуд. Петербург соҳил бўйлари жуда яхши қурилган, лекин бу ерда қишда сайр қилишнинг имкони йўқ. Нева дарёси бўйлаб шамол, худди трубадагидек айланиб юради. Агар бу ерга шамол тўсувчи

воситалардан ўрнатилса, бу ернинг бадий (кўриниши), гўзал манзарасини йилнинг барча мавсумида кўриш ва сайр қилиш мумкин бўлади.

Шамол тўсувчиларни асосан, шаффоф юқори сифатли, чидамли пластиклардан қилиниши аниқланган. Улар фазовийликнинг конфигурациясидан (ташқи кўриниши) қатъий назар вертикал ва горизонтал бўлади, яъни улар ҳимоя қилувчи ҳисобланади.

Архитекторлар ғояси бўйича йилнинг барча мавсумларида, паркларга ташриф буюрувчиларга, шамолдан ҳимоя қилувчи махсус восита ўрнатилади.

Қуёшдан сақлавчи усуллар

Бунинг учун қулай скамейкалар, электр ёриткичлар, ёмғирдан ва қуёшдан сақлавчи шийпон, шамолни тўсувчилар, яъни салқин ҳавони тўсади. Бундай тўсувчилар шу кунда ҳам бор, улардан фаол равишда фойдаланилмоқда.

Шунга ўхшаш буфер зоналар ҳар доим бўлиши керак, чунки улар қулай ва ҳамма учун очиқ. Агар Монреал ва Сингапур тажрибаларини кузатадиган бўлсак, бу ерда пиёдалар учун мўлжалланган усти ёпик кўчалар (ўрта асрда Бухородагидек) ва иқлимни бутунлай назорат қиладиган майдонлар қурилган. Ҳар бир қадамда қахвахона, магазинлар, скамейкалар ва ёғоч бочкаларда (кадка) дарахтлар. Бу ердаги тартиб видеокамера орқали назорат қилиб борилади.

Ўтирамик ва исинамик.

Гавжум жойларда совуқ кунларда иситиш қурилмалари бор скамейкалар бўлиши керак. Ахир Ўзбекистон кўчаларида юриш учун ноқулай об-ҳаво йилнинг уч-тўрт ойида бўлади (кундуз куни +10 градусдан паст). Айтганча, иссиқ скамейкалар қуйма мрамардан ва ониксдан тайёрланмоқда. Бундай скамейкаларнинг ўзи ҳам ва суянчиғи ҳам электр орқали иситилади, бундай тажриба Канаданинг Торонто шаҳрида қўлланилган бўлиб, пиёдалар учун мўлжалланган кўчалар ер остидан истилади.

Микроиқлимий буфер зоналарни сунъий ландшафт воситалари ёрдамида ҳам яратиш мумкин. Иккита тепалик (масалан 26 қаватли ҳажмда) участканинг

шимолий томонидаташқил қилиш; сояланган қисмини кенгайтириш ва консолнинг устки қатламини ташқил қилиш учунюқори қисми қиялатиб кесилган, бундай усул қишда қорни ушлаб турмайди.

Шамол айланиши учун ҳажмлар эгилувчан қилиб чизилган, бурчакларга эга эмас. Кўндаланг кўтариб турувчи деворлар енгил ғовакли бетон блоклардан ясалибташқи чегараланишни ва иссиқликни сақловчи ташқи кўринишни хосил қилган.

Тўйинтирилган ранглар табиий ландшафт ўртасидаги ҳажмларни ажратиб кўрсатади.

Идеал моделга мос равишда, жануб-ғарбга қаратиб қияликлар жойлаштирилган. Юқори қисмдаги белгилар шамолдан ҳимоя қилувчи тўсиқлар икки эгри чизикли чўзилган ҳажмни, бинони марказ ва ўртаси билан боғлашни ташқил этади. Уларнинг туртиб чиққан жойлари паркни қишда қор бўронларидан ва ёзда туш пайтидаги куёш нурларидан ҳимоя қилади.

Фазовийлик ўзининг шамолдан ҳимоя қилувчи конструкциялар билан ёпилган. Уларнинг бурилган жойи ёруғлик ва куёш иссиқлигимарказида бўлиши керак. Чўзилган қиялик-шамол тўсувчилар шимолий ёпиқ фасадларга камдан-кам учрайдиган тешиклар, ва жанубий “очиқликка”эга, яъни улар ёғочли тўсиқлар шаклининг катта ритмларинианиқлайдилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.И.О.Боговая, Л.М. Фурсова «Ландшафтное искусство». 1988

2.М. Тваровский «Солнце в архитектуре» Перевод с польского. М.: Стройиздат, 1987